

**ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ  
КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ, ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИБРОҲИМ  
ДАРВИШОВНИНГ**

**СИНГАРМОНИЗМ ВА УМЛАУТ  
(Жануби-ғарбий Наманган шевалари мисолида)  
МАВЗУСИДАГИ**

**ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ**

Сингармонизм туркий тилларнинг специфик ҳодисаси бўлиб, у қадимдан мавжуд. Лекин унинг туркий тилларда сақланиш даражаси ҳар хил. Таянч шаҳар шеваларида сингармонизм ҳодисаси ўз кучини деярли йўқотган, лекин марказдан узоқда жойлашган шеваларда у ўз изини қолдирган ва сақланган.

Шундай бўлса-да, бир гуруҳ тилшунослар туркшуносликка бағишланган бирор адабиётда унинг қоидаси йўқлигини, бу атаманинг қандай лингвистик ҳодиса эканлиги баён қилинмаганлигини эътироф этадилар. Бу ҳодиса ассимиляциянинг бир тури эканлигидан бошқа нарса эмаслигини таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Бизнингча, сингармонизм қонунияти алоҳида ўзига хосликлар билан кипчоқ шеваларида сақланган ва у ўз қонуниятларига эга.

Сингармонизм сўздаги унлиларнинг маълум нуқтаи назардан бир хиллашиши бўлиб, у ҳақда Н.К.Дмитриев "товушлар ассимиляциясининг кўринишларидан биридир"<sup>2</sup>, деб изоҳлаган эди. У туркий тилларнинг ўзига хос қонуниятларидан ҳисобланиб, туркий тилларнинг барчасида ўз аксини топган.<sup>3</sup> Ҳатто, адабий тили носингармонистик бўлган ўзбек тили ҳам, айрим шаҳар шеваларидан ташқари, барча шевалари сингармонистик бўлган тилдир. Унинг адабий тилида ҳам сингармонизмнинг рудименти яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, унинг фонетикасига бағишланган дарслик ва асарларда сингармонизм, албатта, тилга олинади,<sup>4</sup> дейди ўзбек тилшунос олими М.М.Миртожиев.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Қошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. I. Тошкент, 1960, 69-бет; Богородицкий В. А. Законы сингармонизма в тюркских языках. Вестник научного общества татароведения.-Казань: 6, 1927,-С. 3; Исхаков Г. Гармония гласных в тюркских языках, НСГТЯ, I, 23; Решетов В. В. Узбекский язык. I. -С. 295-299; Абдуллаев Ф. А. Фонетика. -С. 74-82; Тенишев Э. Р. Строй саларского языка, -М.: 1976.-С. 93-96.

<sup>2</sup> Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. -М.: 1948.-С.38-40.

<sup>3</sup> Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. -С. 37; Кононов А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников УП-IX вв.-Л.: Наука, 1980. -С. 66-68; Покроиская Л. А. Грамматика гагаузского языка. -М.: Наука, 1964. -С. 74-76; Мусабаев К. М. Грамматика караимского языка.-М.: Наука, 1964. -С. 50-55; Современный татарский литературный язык. Лексикология. Фонетика. Грамматика. -М.: Наука, 1969. -С. 96-97; Грамматика азербайджанского языка / Под обг.. ред. М. Ш. Ширалиева и Э. В. Севортяна. -Баку: Елм, 1971. - С. 27.

<sup>4</sup> Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. 184-188-бб.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - С. 38-41; Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ғ.Абдурахмонов тахр. ост. 58-62-66.; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. - С. 74-82; Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование намаганского говора узбекского языка. -С. 15-18.

<sup>5</sup> Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Ташкент: Фан, 2013. – Б. 306.

А.Абдуазизов ҳам тилшуносларнинг сингармонизм ҳақидаги тасниф ва асосларига ўз муносабатини билдирган.<sup>6</sup> Бироқ А.Абдуазизов индифферент унлиларнинг ажралиш асосини бошқачароқ таҳлил қилади. Унинг фикрича, индифферент унлиларнинг ажралиш-ажралмаслиги тадқиқот объектига боғлиқ.

В.В.Решетов Тошкент шеваси талаффузига асосланиб, ўзбек тилидаги *и, у, ў, а* унлиларини оралиқ унлилар деб атайди. У ўзбек тили унлиларининг бу фонетик таснифи рус тили унлилари билан қиёслаш асосида берилишини таъкидлайди.<sup>7</sup>

Бизнинг назаримизда, В.В.Решетов оралиқ (индифферент) унлилар ҳақида фикр юритганда, ўзбек тили фонологик системасига диахрон нуктаи назардан ёндашган. У ўзбек тилининг ҳозирги Тошкент диалектида қадимги қатор буйича зидланувчи унлиларнинг зидланиш белгиси йўқолганлиги, оралиқ унлиларнинг ҳосил бўлганлиги борасида баҳс юритган. Шунинг учун ҳам бу унлиларни икки қатордаги унлиларнинг бирлашувидан – конвергенциясидан ҳосил бўлган деган фикр билан конвергентлар номи остида бирлаштирган<sup>8</sup>. Худди шу фикр профессор Ф.Абдуллаевда ҳам учрайди<sup>9</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, туркий тилларнинг вокализмига бағишланган барча тадқиқотларда қатор белгиси ва лаб иштироки белгиси унлиларни тасниф қилиш учун фарқловчи белги сифатида қараб келинади. Фақат Э.Умаровгина бундай тасниф асосига эътироз билдиради. Профессор Э.Умаров ўз мақоласида ёзади: *“Асримизнинг бошида, туркий ёдгорликларни нашр қилмоқчи бўлган олимлар олдида унли товушларни қандай акс эттириши керак, деган муаммо пайдо бўлади. В.В.Радлов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар туркий тилларга қаттиқлик-юмшоқлик хос, шунинг учун бу тиллардаги унлиларни тил олди, тил орқа товушларига ажратиб кўрсатиши керак, деган фикрни ёқлаб чиқдилар ва ўз ишларида ана шу қоидага амал қилдилар... Хўш, бу таклиф туркий, жумладан, ўзбек тилига мос келадими?*

<sup>6</sup> Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси, 36-бет.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

<sup>8</sup> Решетов В.В. Ўша асар. 116-бет.

<sup>9</sup> Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров. Ташкент, “Фан”, 1967, стр. 41.

деган савол тугилади. Бизнингча, бўнга ҳеч икқиланмасдан “йўқ” деб жавоб бериш керак”<sup>10</sup>.

Профессор Э.Умаров ўзбеклар юқоридаги унлиларни ҳақиқатдан тилнинг олдида ёки орқасида талаффуз қиладиларми, яъни ўзбеклар тилнинг олди ёки орқаси билан гапирдиларми деган савол кўйиб, ўзлари унга ҳеч икқиланмай “йўқ” деб жавоб бериш кераклигини баён қилади.

Муаллиф яна бир мақоласида унлиларни оғизнинг очилиш даражасига ва лабнинг иштирокига кўра тасниф қилиш ўринли эканлигини кўрсатади<sup>11</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, туркий тиллар учун палатал ва лабиал сингармонизмнинг хослиги, палатал гармонияда унлилар қаторга кўра оҳанглашуви ҳеч кимда эътироз турдирмайди. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги даври учун гарчи сингармонизм амал қилмаса-да, лекин ўзбек шеваларида сақланиб келаётганлиги деярли барча шевашунос олимлар томонидан эътироф этилади. Шу билан бирга, қаторга кўра зидланишни ўзида сақлаб келаётган ўзбек шеваларида бир ўринда қатор буйича корреляторларнинг ўзаро алмашилиб маъно фарқлаши мавжудлиги қаторни унлилар учун фарқловчи белги сифатида ажратишга имкон беради. Масалан, Андижон шевасида **от** (организм) **ўт** – (майса, олов), **ўр** (ўтни ўрмоқ) - **өр** (сочни ўрмоқ), **өз** (олмош), **ўз** – (босиб ўтмоқ), **ун** (овоз) - **ун** (буғдойнинг майдалангани).

Лекин, ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемалари учун, дарҳақиқат, қатор белгиси фонологик қимматини йўқотган. Шунинг учун ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемалари учун бу белги тасниф асоси бўла олмайди.<sup>12</sup>

Ўзбек тилининг айрим шеваларида, хусусан Наманган шевасида сингармонизмнинг бошқа кўриниши – аффиксларнинг ўзак фонетик хусусиятига мослашиш эмас, балки ўзак унлиларининг аффикс унлилари характериға мослашиши кузатилади. Бундай мослик *умлаут* ҳисобланади.

<sup>10</sup> Умаров Э. Ўзбек тилида тил олди товушлари борми? Ўзбек тили ва адабиёти, 1994. № 4,5,6, 77-8-бетлар.

<sup>11</sup> Умаров Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унлиларни таснифлаш масаласига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1995, № 2, 52-53-бетлар.

<sup>12</sup> Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик - хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2005, 3-б.

Умлаут уйғур тили ва ҳозирги ўзбек тилининг Наманган шаҳар, Уйчи, Чортоқ туманлари, Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларининг айрим қишлоқ шеваларига хосдир.<sup>13</sup>

Умлаутнинг уч кўриниши – палатал, лабиал ва лингвиал турлари мавжуд.

Биринчи турда биринчи бўғиннинг орқа қатор кенг унлиси кейинги бўғиннинг тор лабланмаган унлиси таъсирига берилиб, олд қатор унлига айланади. Масалан, Наманган вилоятининг Уйчи шаҳарчаси, Чортоқ, Учқўрғон (Қайқи қишлоғи) шевасида – *тәшъ* (тоши), *бәшъ* (боши), - *қәшъ* (қоши), *сәвъп* (совиб), *сәғъп* (соғиб), *эвэр//эльвөр* (олиб юбор), *отвор//әтвөр* (отиб юбор), *йозвор//йәзивөр* (ёзиб юбор) каби.

Иккинчи турда биринчи бўғиннинг кенг лабланмаган унлиси кейинги бўғиннинг лабланмаган унлилари таъсирида лаблашади. Масалан, (Наманган ш., Уйчи т.): *тонур// тәнир* (тандир); (Наманган ш., Уйчи т., Чортоқ т.): *а:дәрутъ//а:дәрвәрвәттъ* (ағдаряпти) каби.

Учинчи турда оғизнинг очилиш даражаси ўзгаради. Кейинги бўғиннинг тор *и* унлиси таъсирида биринчи бўғиннинг олд қатор кенг унлиси ўрта кенг унлига айланади. Масалан, уйғур тилида: *касиш* (кесиш), *катти* (кетди) каби. Бироқ Наманган вилоятининг умлаутлашган шеваларида учинчи тур кўриниши деярли кузатилмайди.

Умлаут барча туркий тилларда маълум даражада учрайди. У сингармонизмга тескари пропорционал бўлиб, туркий тилларда нисбатан кейинги ҳодисадир. Айрим тилшуносларнинг фикрига кўра, умлаут ассимиляциянинг кенг ривожланиши ва ўзига хос урғу заминида вужудга келган. Айрим тилшунос олимларнинг фикрича, умлаутнинг келиб чиқиши сингармонизмнинг кучсизланиши билан боғлиқ.<sup>14</sup>

<sup>13</sup> Алиев.А.Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка. Автореферат дисс. докт. фил. наук – Ташкент, 1975.

<sup>14</sup> Поливанов У.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. 1. Введение, Ташкент, 1935., Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, Узгосиздат, 1933. Боровков А.К. К характеристике узбекских “умлаутный” или “уйгуризованных” говоров, Фрунзе, 1946, Узбекские говоры Наманганской области, Ташкент, 1963. Решетов В.В. Ўзбек тилининг карлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. Ўзбек тили ва адабиёти журн. 1960. В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов. Ўзбек диалектологияси. Т., 1978. 122-6.

Сингармонизм қонунини сақланган ўзбек шеваларидаги каби, жануби-ғарбий Наманган шеваларида ҳам унлилар уйғунлиги кузатилади. Лекин уларнинг ўзак ва аффиксларга таъсир даражаси бир хил эмас. Ҳар иккала – танглай ва лаб гармонияси жануби-ғарбий Наманган шеваларида вилоятдаги бошқа шеваларга нисбатан кучлироқ. Лекин олтой, хакас, бошқирд ва қирғиз тилларидагига нисбатан кучсиз.

**Танглай гармонияси** жанубий-ғарбий Наманган шеваларида қуйидаги кўринишларга эга:

а) ўзакнинг биринчи бўғинида тил орқа унлилардан бири бўлса, сўзнинг сўнгги бўғинларида ҳам тил орқа (*ёки қаттиқ*) унли товушлар ишлатилади.

б) ўзакнинг биринчи бўғини тил олди (юмшоқ) унлилардан бири билан бошланса, унда сўзнинг кейинги бўғинларида ҳам тил олди юмшоқ унлилар иштирок этади.

Танглай гармониясининг бу асосий қонунияти жануби-ғарбий Наманган шеваларида қуйидаги кўринишларга эга:

**1. Сўзнинг ўзак қисми – туб лексик шаклларда.** Кўп бўғинли сўзлардаги биринчи бўғин таркибидаги унлига қолган бўғиндаги унлилар мослашади.

Диалектал ареалдаги Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Поп туманларига қарашли кўплаб қишлоқлардаги “ж” ловчи ва “й” ловчи қипчоқ лаҳжаларида сўзлашувчи аҳоли шеваларида бундай танглай гармонияси яққол кўзга ташланади. Масалан: *бэлық* (балиқ), *мэнты* (манти), *қэтық* (қатик), *чэчық* (сочик), *қэшиқэлдэқ* (қашқалдоқ), *чүмэль* (чумоли), *тэғэрэ* (тоғора), *сүмэлэк* (сумалак), *зэмбэр* (замбил), *сэмэвр* (самовор), *тэргыс// тэрвыс* (тарвуз), *сэмсэ* (сомса) каби бир талай туб сўзларда сингармонизм ўз қонуниятини сақлаб қолган.

Мингбулоқ туманининг Жомошов, Маззанг, Гулбоғ қишлоқларида эса бу ҳолат кам учрайди. Сабаби, бу ҳудудлар нисбатан кейинроқ ташкил топган аҳоли масканлари бўлиб, сўзловчиларнинг кўпчилиги қарлуқ лаҳжаси вакиллари дир. Вилоятнинг аҳолиси зич бўлган Уйчи, Чортоқ, Косонсой,

Янгиқўрғон туманлари, Наманган шаҳри ва бошқа турли вилоят ва туманлардан кўчиб келганлардир.

2. *Сўзнинг ўзак қисмига қўшимча қўшилганда.* Жануби-ғарбий Наманган шеваларида қўшимчалар таркибидаги унлиларнинг тил орқа ва тил олди вариантларга эгаллиги аффиксларнинг тил орқа қаттиқ ва тил олди юмшоқ вариантларини юзага келтирган. Кўплаб сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар ўзининг контраст жуфтларига эга.

а) *сўз ясовчи қўшимча қўшилганда ёки қўшма сўзларда: пармалөлөвгич* (пармалагич), *ўймәләма* (уймалама), *савачип* (савағич), *думәләқ//ўймәләқ, сәртәрсихәнә* (сартарошхона), *мәмәхәнә* (меҳмонхона), *сәмсәхныйс* (саримсоқпиёз), *көзәйнәк* (кўзойнак), *нәнтәхтә, қыймәтәхтә* (нонтахта, кийматахта) каби жуда кўп содда ясама ва қўшма сўзларда сингармонизм ўз қонуниятини сақлаб қолган.

б) *синтактик шакл ҳосил қилувчи келишик қўшимчалари қўшилганда:*

– қаратқич ва тушум келишиги *-ды//дъ, -ть//ты: бунни//мунны* (бурни, ассимиляцияон ўзгаришда), *қозонды кўтар, қозонды қуләгы* (қозонни кўтар, қозоннинг қулоғи), *дадамдъ пычәхләры, энәмдъ көйнәхләрә* (дадамнинг пичоқлари, онамнинг кўйлақлари), *бәгләрдә дәрәхләры, сәвчыләрдә гәпләрә* (боғларнинг дарахтлари, совчиларнинг гаплари), *тәшиты тәгъдә, әттә түйәгы, әшитъ йәң, тәвәхты йүв* (тошнинг тагида, отнинг туёғи, ошни енг, товоқни юв) каби. ЖҒН диалектал ареалининг барча қипчоқ шеваларида қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари талаффузда деярли фарқланмайди;

– жўналиш келишиги *-го//-гә//-ғә, -га//-гә, -қа//-кә:* Масалан, “й”ловчи ва “ж”ловчи шеваларда *нумәңә//нумәвә* (нимага, нега), аралаш тип шеваларда: *нумәнгә* (нимага, нега), *қәйгә//қөйгә* (қаерга), *түйгә// түйгә//түйгә* (түйга), *терахти учига чихтә* (терақнинг учига – энг баланд жойига чикди), *тәгәргә со:* (тоғорага сол), *орыққо чүш* (арикқа туш), *тәраккә чихтә* (терақка чикди) каби.

ЖҒН шеваларида асос таркибида бурун товушлари мавжуд бўлган сўзларга жўналиш келишиги кўшимчаси кўшилганда назализациянинг кучлилиги кузатилади.

Назализация унлилар артикуляциясида бурунда ҳосил бўлган резонатор тоннинг кўшиб берилишидир.<sup>15</sup> Бу асосан бурун орқали ҳосил бўлувчи сонант талаффузи билан контакт келувчи унлиларда кузатилади: *нумоңо, нумовғо, нумонга* каби. Чунки аввалги товуш артикуляцион рекурсияси кейинги товуш артикуляцион экскурсиясига тенг келади. Шунинг орқасида аввалги товушдаги уннинг давоми кейинги товушга улашиб кетади ва бурун товушининг ҳам резонатор тони кейинги унли резонатор тонига кўшилади. Натижада унли артикуляциясида ҳам бурун резонатор тони қайд этилади. Шунинг ўзи назализация деб қаралади. Наманган шевасида одатий ҳол деб қаралса ҳам, Тошкент ва бошқа шеваларга хос деб айтиш тўғри эмас. Ўзбек тилининг бошқа шеваларида сонант таъсирида унли назализациясининг содир бўлиши анча кучсиз. У Наманган ва унинг атрофидаги айрим туманлар шевасида одатий ҳол эканлигини С. Отамирзаева ўз изланишларида қайд этган<sup>16</sup>.

– ўрин-пайт келишиги *-да//до//-дә, -та//тә: көчәдә (кўчада), үйдә (уйда), тылызўрдә (телевизорда), тэмдә (томда), кэльдә түй (ўғирда туй), мэлләдә (этакда), дэхчәдә (токчада), сәҳәт бәштә (соат бешда), эшхәтә (эшикда, ташқарида), овқәттә (овқатда)* каби.

– чиқиш келишиги *-дан//-дән, -тан//-дән//-тон//-нән//-нан//-нән: укамдан (укамдан), сийнъмдән (синглимдан), чәккәдән (четдан), элмәдән (олмадан), сәмсәдән (сомсадан), бәшқәдән (ўзгадан, бировдан), терәхтән (терақдан), эшхәтән (эшиқдан), оттон (отдан), хурмодон (хурмодан), эштән (омон.; очдан, ошдан), бәшқәттән (янгидан, қайтадан), гьләмнән (гиламдан) энәмнән (онамдан)* каби. Агар сўз ўзаги бурун консонантлари билан тугаган бўлса ёки ўзакка синтактик шакл ҳосил қилувчи кўшимча бурун консонантлари билан тугаган бўлса, назализация кучаяди ва тил олди портловчилари *д* ва *т н* ва *ң* товушига алмашади: *ноннон* (нондан), *энәмдән*

<sup>15</sup> Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Ташкент: Фан, 2013. – Б. 306.

<sup>16</sup> Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. 1970. – С. 26.



(онамдан), *қўлимнан ушлады* (қўлимдан ушлади), *чачъндан тортымы* (сочингдан тортдими?), *бошыңнон ўғирвәр* (бошинг айлангириб юбор) каби.

– эгалик қўшимчаларининг бирлиги *-(ъ)м//-(ы)м; -(ъ)нг//-(ы)ң; -(с)ъ//-(с)ы* қўшилганда: *бўннъм* (бурним), *қонным* (қорним); *чачъң* (сочинг), *бошың* (бошинг); *энәсь* (онаси), *отосы* (отаси); кўплиги *-(ъ)мис//-(ы)мыз; -(ъ)ңьс//-(ы)ңыз; -ъ//ләр//лоры: кәльнъмис* (келинимиз), *қошығымыз* (қошиғимиз); *этъгъңьс* (этигингиз), *қызыңыз* (қизингиз); *қўшылорды пъчогъ* (қўшниларнинг пичоғи), *сөвиләр* (сабзилари), *пычоқлоры* (пичоқлари) каби.

– шахс-сон қўшимчаларининг бирлиги *-(ъ)м //-(ы)м; -(ъ)нг //-(ы)ң; -тъ //ды* қўшилганда: *кәлдъм* (келдим), *қылдым* (қилдим); *көрдъң* (кўрдинг), *бордың* (бординг); *айттъ* (айтди), *қылды* (қилди); кўплиги *-мис// -мыс //мыз; (ъ)ң//със//сыс//сыз,-нар//нәр//нор; -ъ//ләр//лор: оң* (олинг), *кәң* (келинг), *кәләмис* (келамиз), *қыйномоймыс* (қийнамаймиз), *ўйлоймыс* (ўйлаймиз); *кәләсьс* (келасиз), *боросыс* (борасиз), *ўйнойсыс* (ўйнайсиз), *чиқиннар* (чиқинглар), *кеннәр* (келинглар), *борыннор* (боринглар); *келадъ* (келади), *келаллар* (келадилар), *бородилор* (борадилар) каби.

*в) лугавий шакл ясовчи қўшимчалар қўшилганда:* – кўплик қўшимчалари *-ләр //лар //лор: чәвалләр* (чеварлар), *йъпләр* (иплар), *қувыллор//қубырлор* (қувурлар), *ғўралар* (ғўралар-довучча), *кўрпәчаләр* (кўрпачалар), *қоровыллор* (қоровуллар), *боллор* (болалар), *толлор* (толлар), *дуволлор* (деворлар) каби.

– сифатдош қўшимчаси *-ган//кән//қон//гон: диган* (деган), *әйткән* (айтган), *чыққон* (чиққан), *боргон* (борган) каби.

– равишдош қўшимчалари *-(ъ)п; гоны//ганъ//кәнъ: туръп* (туриб гапир), *ўқъп* (ўқиб кўр); *огоны* (олгани), *урғоны* (ургани), *кўрганъ* (кўргани), *берганъ* (бергани), *айткәнъ* (айтган), *әккәнъ* (әккани) каби.

Хуллас, жануби-ғарбий Наманган шеваларида ҳам кўпгина сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи аффикслар ўзларининг контраст жуфтларига эга. Ўзак таркибида тил орқа унли мавжуд бўлса, қўшимча иаркибидаги унли ҳам

қаттиқ талаффузга, тил олди унли мавжуд бўлса, юмшоқ талаффузга эга бўлади.

**Лаб гармонияси.** Маълумки, лаб гармонияси қонунига мувофиқ ўзакнинг биринчи бўғинида лаблашган унлилардан бири бўлса, сўнгги бўғинлардаги унлилар ҳам лаблашади.

ЖҒН шеваларида лаб гармонияси қонуни, оз бўлса-да, мавжуд. Лабланиш ҳодисаси биринчи, иккинчи бўғинларда сезиларли бўлиб, учинчи ва сўнгги бўғинларга ўтиши спорадик. Лекин лаб гармонияси муфассал сақланган олтой ва қирғиз тилларидан кескин фарқ қилади. Мазкур тилларда аффикслар фақат қаттиқ юмшоқлиги билан эмас, балки лабланган ва лабланмаганлиги билан ҳам ажралиб туради<sup>17</sup>.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида аффиксларнинг фақат қаттиқ ва юмшоқ вариантлари мавжуд бўлиб, системали эмас. Қуйидаги мисолларга эътибор қилинг:

У – У	ЖҒН шеваларида	Адабий тилда
		<i>урув, суйуқ, тувушқон</i>
Ө – У	<i>қурүди, өрүм, өкүн, өкүлота</i>	<i>қуриди, ўрим (соч), ўкинмоқ, вакилота</i>
Ү – У	<i>күкун, түйүн, йүгүр</i>	<i>кукун, туғун, югур</i>
Ү – Ө	<i>күйөв, сүрөвь</i>	<i>куёв, суроби (суроби тортилмоқ)</i>

Мисоллардан кўринадикки, жануби-ғарбий Наманган шеваларида лабиал сингармонизмнинг фақат **у – у**, **ү – ү**, **ө – ү** ва қисман **ү – ө** кўринишлари мавжуд бўлиб, қолган **в – в**, **у – ү**, **о – ү**, **о – ө** типлари йўқ, учрамайди. Аввалгилари ҳам жуда чегараланган бўлиб, санокли сўзлардагина (аксарият “ж”ловчиларда) ишлатилади.

Таркибида лаблашган унли бўлган бир бўғинли сўзларга кўшимча кўшилганда лабланиш содир бўлади: **үр+дүқ** (урдик), **түр+үң** (туринг), **йүр+үн** (юриб), **төл+ун** (тўлиб) каби.

ЖҒН шеваларида спорадик ҳолатда лабланиш ҳодисаси иккинчи ва учинчи бўғинларга ўтиши кузатилади: **йүгүрүк** (югурик қўл, мушт), **күйүнүк** (ачинарли, ҳафагарчилик), **сүйүнүв** (хурсандчилик), **бүлүндүрүк** (омоним:

<sup>17</sup> Исхаков Ф.Г. Гармония гласных. ИСГТЯ. I, с. 142.

балиқ уруғи, туманли қиров), *сўргўрўч* (ширингурўч), *чўгўрчўқ*, *тўтўрўқ* каби. Бирок, юқорида айтиб ўтканимиздек, лаб гармониясининг амал қилиш доираси ЖҒН шеваларида чегараланган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек шевалари ҳозирги адабий тилда учрамайдиган айрим грамматик шакллар, лексик бирлик элементларини сақлаб қолганки, уларни асосли равишда илмий ўрганиш жуда муҳим тарихий-лингвистик хулосалар чиқаришга имкон туғдиради. Қатъий бир қонуният асосида тилнинг узоқ замонлардаги ҳолатини аниқлаётган изланувчига жуда қимматли материал берувчи манбаа бўлади. Шунинг билан бир қаторда, бундай фонетик, лексик-грамматик фактлар – асослар П. М. Мелиоранский таъбири билан айтганда: “...қадимги ёдгорликларни тушуниш ва лингвистик анализ қилишда ноёб қўлланма вазифасини адо этади”<sup>18</sup>.

---

<sup>18</sup> П. М. Мелиоранский. Араб-филолог о турецком языке, СПб., 1900, 3-бет.